



UNIT LINKED: LIFE INVESTMENT INSURANCE

Zakirkhodjaeva Sh.A.
Tashkent Financial Institute

ABSTRACT

The article describes the theoretical bases of investment life insurance, including the advantages and disadvantages of Unit Linked insurance products. Given reviews on foreign experience of Unit Linked Life Insurance product as well as perspectives for its implementation and development in our country.

Keywords: investment life insurance, Unit Linked insurance product, insurance policy, cumulative life insurance, investment fund, mutual fund, bancassurance.

Мақолада инвестицион ҳаёт суғуртасининг назарий асослари, жумладан Unit Linked суғурта маҳсулотининг афзалликлари ва камчиликлари ёритиб берилган. Unit Linked ҳаёт суғурта маҳсулотининг амал қилишига оид хориж тажрибаси ҳамда мамлакатимизда уни жорий этиш ва ривожлантириш истиқболлари бўйича мулоҳазалар билдирилган.

В статье описываются теоретические основы инвестиционного страхования жизни, в том числе преимущества и недостатки страховых продуктов Unit Linked. Дается обзоры о зарубежном опыте продукта страхования жизни Unit Linked, а также перспективах его внедрения и развития в нашей стране.

Таянч сўзлар: инвестицион ҳаёт суғуртаси, Unit Linked суғурта маҳсулоти, суғурта полиси, жамғариладиган ҳаёт суғуртаси, инвестиция фонди, пай фонди, банк суғуртаси.

Ключевые слова: инвестиционное страхование жизни, Unit Linked страховой продукт, страховой полис, накопительное страхование жизни, инвестиционный фонд, паевой фонд, банковское страхование.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида “янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш” [1] масаласининг белгиланиши, фикримизча, ихтиёрий суғурта турлари орасида ҳаёт суғуртасининг ижтимоий аҳамиятини янада оширади. Қолаверса, ҳаёт суғуртаси аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини жамғаришда муҳим инвестицион манба бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан, ҳаётни инвестицион (Unit Linked) суғурталашнинг турларини жорий этиш ва ривожлантириш кун тартибига қуйилаётган масалаларни ҳал этишнинг муҳим йўналишидир. Ҳаётни инвестицион суғурталашда Unit Linked маҳсулотининг ўзига хос фарқли хусусияти шундаки, суғурталанувчи суғурта компаниясининг инвестицион фаолиятида бевосита иштирокчи ҳисобланади. Суғурталанувчининг ҳисоб рақамида жамғарилган пул маблағлари махсус фондда бирлаштирилади ва компаниянинг ихтисослашган бошқарувига ўтказилади. Бу жараёнда, суғурталанувчи албатта, мазкур йўналиш бўйича даромадлилик ва рисклилик даражасини таҳлил қилиб, ўзига энг мос келадиган фондни (суғурталовчи томонидан таклиф қилинган фондлар ичидан) мустақил танлайди. Демак, Unit Linked ҳаёт суғурта маҳсулоти ўзида



жамғариб бориладиган классик ҳаёт суғуртаси ва инвестиция фондининг ўзаро бирикмасини ифодалайди.

Unit Linked суғурта маҳсулоти шаклан ёки мазмунан ҳаёт суғуртасига оид дастур ҳисобланади. Қизиқ томони шундаки, ҳаёт суғуртаси ва инвестициялар молиявий муносабатларнинг турли соҳалари бўлсада, ҳуқуқий жиҳатдан, ҳаёт суғуртаси қобиғида инвестицион фаолиятни амалга ошириш жисмоний шахсларнинг узок муддатли жамғармалари учун жуда қулай муҳит яратади. Unit Linked суғурта дастури брокерлик хизматига ўхшайди, яъни жаҳон молия бозорида турли активларга (акция, облигация, фондлар, биржа савдо фондлари) инвестиция қилиш имконини беради. Мазкур маҳсулот номигагина суғурта маҳсулоти бўлиб, асосий мўлжал инвестицияларга қаратилади. Шу жиҳатдан, Unit Linked суғурта маҳсулоти инсонлар учун бир қатор афзалликка эга бўлган инвестицион манба бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Хорижий иқтисодий адабиётларда инвестицион ҳаёт суғуртаси, шунингдек, Unit Linked ҳаёт суғурта маҳсулотлари, уларни жорий этилиши ва ривожлантириш борасида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Жумладан, профессор Т.А.Федорованинг қайд этишига кўра, биринчи инвестицион ҳаёт суғурта полиси 1950 йилнинг охирида Буюк Британияда пайдо бўлган ва унга “Unit Linked” деб ном берилган. Ҳозирги кунда ҳам Буюк Британия инвестицион ҳаёт суғурта хизматларини кўрсатишда энг етакчи ҳисобланади, гарчи, кўплаб Европа мамлакатлари ҳаёт суғуртасининг ушбу туридан самарали фойдаланаётган бўлсада [2].

С.В.Ермасов ва Н.Б.Ермасоваларнинг фикрлари кўра, инвестицион ҳаёт суғуртаси – бу узок муддатли ҳаёт суғурта полиси шаклида расмийлаштирилган инвестицион воситадир. Ярим аср олдин Буюк Британияда пайдо бўлган мазкур хизмат тури “инвестиция қилишнинг инглиз методи” ҳисобланади [3].

Марко Гантенбеин ва Марио А. Маталарнинг назарий ёндашувларига асосан, Unit Linked ҳаёт суғурта полислари моҳиятан, жамғармаларни ва инвестицион компонентларни ўз ичига қамраб олган аралаш ҳаёт суғуртасини ифодалайди. Анъанавий аралаш ҳаёт суғуртасидан фарқли ўлароқ, ушбу шартнома бўйича суғурта компаниялари суғурталанувчининг номидан унинг қарорига кўра суғурта мукофотини молия бозорига инвестиция қилади [4].

Италиялик олимлар Клаудия Сеси, Катиа Соланери ва Алессандра Сретаролаларнинг тадқиқотларида акс этирилишига кўра, Unit Linked ҳаёт суғурта шартномаси – бу олинадиган фойдаси муайян акциялар ёки бошқа активлар билан молия бозорида амалга ошириладиган фаолиятнинг натижасига боғлиқ бўлган ҳаёт суғурта полисидир. Сўнги йилларда ушбу шартномалар уларга нисбатан паст фоиз ставкалари ва суғурта капиталини тартибга солувчи янги Solvency II қоидалари ўрнатилган бўлсада, капитални юқотиш хавфининг пастлиги эвазига юқори муваффақиятлар билан фойдаланилмоқда [5].

Иқтисодчи, инвестицион маслаҳатчи Майкл Барри ўзининг инвестицион суғурта счётлари ҳақидаги видео маърузаларида таъкидлашича, Portfolio Bond (Облигациялар портфели) – бу энг қулай инвестициялаш усули бўлган инвестицион суғурта счётидир [6].



ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида Unit Linked маҳсулотлари суғурта ва инвестиция хизматлари бозоридаги энг машҳур ва оммавий воситалардан бири ҳисобланади, чунки, улар ушбу икки соҳанинг муваффақиятли симбиозидир.

Ҳаёт суғуртаси бўйича хорижий амалиётнинг кўрсатишича, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳамда АҚШда ҳаёт суғурта тармоғининг ЯИМдаги салмоғи 2-10 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,04-0,1 фоиз. АҚШда тузилган ҳаёт суғурта шартномаларининг 60 фоизи Unit Linked дастурларига тўғри келади. Европада ҳаёт суғуртасига йўналтирилган барча маблағларнинг ўртача 30-70 фоизи ушбу сегментга тегишли. Масалан, Словакияда айнан Unit Linked ҳаёт суғуртасининг улуши ЯИМга нисбатан 1,5 фоиз, ҳаёт суғурта бозорида 30 фоиз, Венгрияда ЯИМга нисбатан 1,6 фоиз, ҳаёт суғурта бозорида 66 фоиз, Эстонияда эса ЯИМга нисбатан 2,7 фоиз, ҳаёт суғурта бозорида 60 фоиз [7].

Unit Linked ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта компанияларининг активлари бўйича етакчи ўрин Буюк Британияга тегишли. Чунки, Франция, Италия ва Испанияда инвестицион ҳаёт суғуртаси 1990 йилнинг иккинчи ярмидан фаол ривожлана бошлаган.

Ҳаётни инвестицион суғурталаш бозорида суғурталовчиларнинг ушбу йўналишни ривожлантиришга қизиқишларининг доимий равишда ўсиб боришига, биринчи навбатда, Unit Linked маҳсулотларининг инвестицион рискларни маълум қисмини суғурталанган шахснинг ўзига ўтказилишига имкон бериши асос бўлган. Бу эса, суғурта компанияларига ўз бизнесининг фонд бозоридаги доимий ўзгариб турадиган вазиятга боғлиқлигини камайтириш имкониятини беради.

Жамғариладиган ҳаёт суғурта дастурлари айнан бахтсиз ҳодисалар оқибатларини енгишга ва қутилмаган нохуш ҳолатларда барқарор молиявий аҳволни сақлаб қолишга имкон беради. Шу билан бирга, суғурталанувчи суғурта муддатининг охиригача ҳеч қандай муаммосиз яшаса, жамғарилган барча суммани ва унга тўланадиган фоизларни қайтариб олади.

Бундан ташқари, шартнома амал қилишининг маълум бир даврида, суғурталанувчи меҳнат қобилиятини йўқотиб қўйса, унинг ўрнига суғурта компаниясининг ўзи ушбу дастур бўйича бадал тўлашни давом эттирадики, бу суғурта муддати тугаганда барча жамғарилган суммани олишни кафолатлайди.

Жамғариладиган ҳаёт суғурта дастурининг бу каби афзалликлари билан бир қаторда маълум камчиликлари ҳам мавжуд, яъни муддат тугаганда жамғариш дастуридан олинган даромад нисбатан паст бўлиши мумкин.

Жамғариладиган ҳаёт суғурта дастурининг даромадлиги хорижий амалиётда суғурталанувчига йиллик ўртача 5-6% ташкил этади, бу эса инфляция даражасидан ва банк депозитларининг даромадлигидан анча паст. Ўзбекистонда эса бу дастурларнинг даромадлиги 2-3 % бўлиб, улар жисмоний шахсларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учунгина йўналтирган даромадлари эвазига яшаб келмоқда. Табиийки, 10-20 йил давомида паст ставка билан маблағ жамғариш истаги аниқ йўқолади.

Шу ерда, Unit Linked маҳсулотининг муҳим фарқлари намоён бўлади. Унда жамғарилган маблағнинг бир қисми полис эгасига даромад келтира оладиган ва суғурта дастурининг имкониятини кескин оширувчи инвестицион инструментларга, асосан инвестиция фондларга йўналтирилади. Хориж тажрибасидан фойдаланиш асосида, қуйидаги жадвалга биноан уларни қиёсий таҳлил қилиш мумкин (1-жадвал).



1-жадвал Unit Linked инвестицион ҳаёт суғуртаси ва жамғариладиган ҳаёт суғуртасининг қиёсий таҳлили [7]

Мисол:	Жамғариладиган ҳаёт суғуртаси	Unit Linked инвестицион ҳаёт суғуртаси
Пул маблағлари тақсимоги	100% суғурта дастурига	20% – суғурта қисми 80% – инвестиция
Дастур бўйича даромадлилик	4%	4% – суғурта қисми бўйича 15% – инвестиция бўйича
Йиллик қўйилма суммаси	\$1000	\$1000
Биринчи кундан кафолатланган суғурта қопламаси	\$20 000	\$4000
Жамғариладиган капитал	\$30 000	\$96 000

Шундай қилиб, Unit Linked маҳсулотлари самарали капитал жамғариш билан бир қаторда ҳаётни сифатли ҳимоялаш тизимини таъминлайди.

Unit Linked ҳаёт суғуртасида бир нечта турдаги дастурлар кўзда тутилиши мумкин:

- суғурта мукофоти даврий тўланадиган – жамғариладиган дастур. Мазкур дастур пенсияни режалаштириш, ўз-ўзини ҳимоялаш учун фонд яратиш, йирик харидлар учун жамғариш каби турли мақсадлар учун капилат жамғаришга қаратилади;

- суғурта мукофоти бир йўла тўланадиган – инвестицион дастур. Мавжуд капитални купайтириш ва ҳимоя қилишга қаратилган.

- суғурта мукофоти бир йўла тўланадиган – инвестицион ҳисобварақлар. Акция ва облигацияларга, хедж-фондларга, олтинга, умуман олганда, дунёдаги ҳар қандай активларга инвестиция кирита олиш маҳорати.

Ҳозирги кунда Unit Linked ҳаёт суғуртасидан фойдаланиш учун миллий суғурта бозорида ушбу хизмат йўқлиги сабабли, суғурталанувчи хорижий суғурта компанияси билан шартнома тузишига тўғри келади. Суғурта компаниясини танлаш бўйича қарор қабул қилишда эса энг муҳим омилларни (ошкоралик, шаффофлик, активлари қиймати, ишончлилик) ҳисобга олган ҳолда асосли ёндашиш зарур. Қуйида Unit Linked суғурта дастурларини таклиф этаётган халқаро суғурта компанияларининг умумий таққосланиши келтирилган (2-жадвал). Эътиборли жойи шундаки, бу суғурта компанияларининг ҳаммаси ҳам МДҲ мамлакатлари учун очиқ эмас (дастурга кириш ҳуқуқини бермаган).



2-жадвал Unit Linked суғурта дастурларини таклиф этаётган халқаро суғурта компанияларининг умумий таққосланиши [8]

Суғурта компаниялар	МДҲ мамлакатлари учун очиқлиги	Активлари қиймати	Юрисдикция, юрисдикциянинг кредит рейтинги	Аккаунтга онлайн кириб кўриш
Investors Trust	Ҳа	\$ 1,25 млрд.	Кайман ороллари / Moody's – Aa3	Ҳа
Hansard	Ҳа	\$1 млрд.	Мэн ороллари / Moody's – Aa1 Багам ороллари / Moody's – Baa1	Ҳа
Generali International	Йўқ	€ 530 млрд.	Гернси ороллари / Standard & Poor's – AA-/A-1+	Ҳа
Custodian Life	Ҳа	-/-	Бермуд ороллари / Moody's – Aa2	Ҳа
Zurich International	Йўқ	\$ 422 млрд.	Швейцария / Moody's – Aaa	Ҳа
RL360	Йўқ	\$10 млрд.	Мэн ороллари / Moody's – Aa1	Ҳа
Friends Provident International	Йўқ	\$ 6 млрд.	Мэн ороллари / Moody's – Aa1	Ҳа
Old Mutual International	Йўқ	\$ 696 млрд.	Мэн ороллари / Moody's – Aa1	Ҳа

Unit Linked дастурининг асосий афзалликлари – нисбатан соддалигидир. Мисол учун, брокерлик ҳисобварағини, чет элда банк ҳисоб рақамларини очишнинг ҳожати йўқ. Суғурта компанияси билан шартнома тузиш, пул ўтказиш ва таклиф қилинган инвестиция фондлардан бирини танлаш кифоя.

Суғурта шартномаси бўйича доимий равишда пул киритиб туриш учун банк картасидан автоматик ечиб олиш хизматини ўрнатиш мумкин. Бу ҳолат тўлашни унутиб қуядиганлар ва молиявий интизом билан боғлиқ муаммоларга дуч келадиганлар учун қулайдир.

Солиқ органлари олдида даромадлари бўйича доимий равишда ҳисобот топширишга зарурат йўқ, яъни полисининг муддати тугаганда фақатгина даромад олсагина декларация топшириши мумкин.

Unit Linked ҳаёт суғуртасига қўйилган маблағ фақат унинг эгасига тегишли, яъни никоҳ бузилганда бўлинмайди, суд қарори билан олиб қўйилиши мумкин эмас, чунки бу суғурта полиси бўлиб, унда одатий мулк хусусияти йўқ.

Яна бир қўшимча – меросга эга бўлишнинг соддалигидир: бенефициар одатдагидек ойлаб кутишга мажбур бўлмайди, аксинча, пулни бир неча ҳафта ичида олади.

Unit Linked дастурининг камчиликлари. Суғурта компаниясининг комисион ҳақлари йилига 1,5-2% ёки ундан кўпни ташкил қилиши мумкин, бу 10-15 йил ичида жуда катта миқдорни ташкил этади. Агар, биржавий инвестиция фондлар орқали брокерлар воситасида мустақил равишда инвестицион портфел яратилса, комисион ҳақлар сезиларли даражада паст бўлади.



Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда инвестицион фаолиятга имтиёзли солиқ солинади, масалан, индивидуал инвестицион ҳисобварақлар учун солиқ чегирмалари.

Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши капиталнинг бир қисмини йўқотишга олиб келиши мумкин. Пул киритиб туришни тўхтатиш комиссия ҳақларни кўпайиши ёки бошқа санкциялар қўлланилишига олиб келади. Муаммоларни олдини олиш учун полисни расмийлаштиришдан олдин суғурта шартларини диққат билан ўрганиб чиқиш лозим.

Тўлов бадали миқдори хорижий валютада белгиланади. Суғурталанувчининг даромади миллий валютада бўлса ва хорижий валюта курси ошса, миллий валютада тўлайдиган бадал миқдорини ошириш керак бўлади, яъни курс фарқи муаммо пайдо қилиши мумкин.

Камчиликлардан яна бири, шартнома хорижий суғурта компания билан тузилганлигидир. Қандайдир ҳолатда чет эл суғурта компанияси билан судлашишга тўғри келса, бу қийинчилик тўғдиради.

Энг асосийси, бу инвестицион инструмент эканлигини ёдда тутиш керак. Чунки, бу суғурта полиси одатда жароҳатлар ва касалликлар учун тўловларни назарда тутмайди, даволаниш учун тўловларни таъминламайди ва ҳоказо.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамалакатимизда Unit Linked ҳаёт суғуртасининг ривожланиш истиқболлари бизнинг фикримизча, қуйидаги омилларнинг ҳал этилишига боғлиқ:

1. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, унинг барқарорлигини таъминлаш, шаффофлигини ошириш ва сиғимини кенгайтириш.

2. Unit Linked ҳаёт суғурта полиси бўйича олинadиган даромадларга имтиёзли солиқ режимини яратиш.

3. Молия бозорларида фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

4. Аҳолининг молия бозорида ўз жамғармаларини инвестиция қилиш имкониятлари бўйича маълумотларга эга бўлиш даражасини, молиявий билимлари ва инвестициявий маданиятини ошириш.

5. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш. Unit Linked ҳаёт суғурта полиси жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг бошқа маҳсулотларига нисбатан юқори даромадлиликни кафолатлайди.

6. Сўнги йилларда кузатилаётган банклар ва суғурта компанияларининг молия бозоридаги фаолиятини биргаликда олиб боришга мойиллиги ва уларнинг қўшма (банк-суғурта) маҳсулотлари қаторини кенгайтиришга бўлган интилишлари банк суғуртасининг келгусидаги ривожланишини таъминлайди, Unit Linked маҳсулотининг банк дарчалари орқали сотилиши сотув ҳажминини янада оширади. Ушбу омиллар инвестицион ҳаёт суғурта маҳсулотларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари катализатори бўлиб хизмат қилади:

- инвестицион ҳаёт суғуртасининг ривожланиши, ҳажмининг ўсиши;
- миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси бўйича йирик суғурталовчиларни шакллантириш;
- ҳаётни инвестицион суғурталаш механизмлари орқали хусусий инвесторларни жалб қилиш;
- суғурта соҳасида қўшимча иш ўринларини яратиш;
- аҳолининг ўрта синф учун муносиб пенсия таъминотини яратиш.



Список литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4412-сон Қарори.
2. Федорова Т.А. и др. Страхование. Учебник. 2-е изд. М.: «Экономистъ», 2006. 271-стр.
3. Ермасов С.В. и Ермасова Н.Б. Страхование. Учебник. – М.: Юрайт., 2011 г.
4. Gantenbein M., Mata M.A. Swiss Annuities and Life Insurance: Secure Returns, Asset Protection, and Privacy, 2008. Vol. 400. John Wiley & Sons.
5. Claudia Ceci, Katia Colaneri ва Alessandra Cretarola Unit-linked life insurance policies: Optimal hedging in partially observable market models // Insurance: Mathematics and Economics Volume 76, September 2017, Pages 149-163. [https:// www. sciencedirect. com/science/article/pii/S0167668716305315](https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0167668716305315)
6. Barry M. Portfolio Bonds webinar. Video Library. www.cfarussia.ru
7. <http://insurance-life.com.ua>
8. <https://unit-linked.ru>